

АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 67-77 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ



Усманов Баходир Бахтиёрович
ТДИУ мустақил тадқиқотчisi

Аннотация: Мақолада аҳолининг турмуш фаровонлиги ва уни таъминлаш орқали ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Аҳолининг кам таъминланган қатлами шаклланишига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган. Хорижий олимларнинг қарашлари ва илмий хуносалари тизимлаштирилган. Тадқиқотлар асосида таъсир этувчи омилларни барқарорлаштириш юзасидан илмий таклиф ва хуносалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, турмуш фаровонлиги, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий сиёsat, кам таъминланган оила.

АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ НА МАЛОУБЫТОЧНУЮ СТРУКТУРУ НАСЕЛЕНИЯ

Усманов Баходир Бахтиёрович
Независимый исследователь ТГЭУ

Аннотация: В статье анализируется благосостояние населения и особенности социальной защиты через его обеспечение. Систематизированы факторы, влияющие на формирование бедного слоя населения. Систематизированы взгляды и научные выводы зарубежных учёных. На основе исследований разработаны научные предложения и выводы относительно стабилизации влияющих факторов.

Ключевые слова: бедность, благосостояние, социальная защита, социальная политика, семья с низким доходом.

ANALYSIS OF INDICATORS INFLUENCE ON THE LOW-INFRINGE STRUCTURE OF THE POPULATION

Usmanov Baxodir Baxtiyorovich
Independent researcher of TSUE

Abstract: The article analyzes the well-being of the population and the specific features of social protection through its provision. Factors affecting the formation of the poor stratum of the population are systematized. The views and scientific conclusions of foreign scientists are systematized. Based on the research, scientific proposals and conclusions have been developed regarding the stabilization of influencing factors.

Key words: poverty, welfare, social protection, social policy, low income family.

1. Кириш

Ахолининг кам таъминланган қатлами давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя учун харажатларни ошиб боришига таъсир кўрсатади. Бюджетнинг ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари соликлар хисобидан молиялаштирилади. Булар сирасига камбағаллик чегарасидан кам даромадга эга бўлган ва ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларига муҳтож бўлган қуийдаги аҳоли гурухларини киритиш мумкин:

- 2 ёш ва 18 ёшгача фарзанди бўлган оилалар;
- фарзандлари сони кўп бўлган оилалар;
- боқувчисини йўқотганлар;
- ёлғиз яшовчилар (оила қурмаган, ёши катта қариялар ва х.к.);
- ногиронлиги мавжуд (туғма ёки меҳнатда майиб) бўлган шахслар.

Рўйхатда келтириб ўтилган аҳоли қатламининг бири (ёки бир нечтаси)га мансуб бўлган шахслар юқори даромад олиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Бу эса, давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя учун харажатлар ҳажмини ошишига олиб келиши табиий ҳол ҳисобланади. Натижада, мамлакатда инсон капитали категориясининг пасайиши вужудга кела бошлайди. Ўз навбатида, яратиладиган янги қийматда илмий (ёки меҳнат) сифимкорлигининг йўқолиб бориб, унда табиий сифимкорликнинг сақланиб қолишига олиб келади. Бошқача айтганда, табиий ресурслар ҳисобидангина иқтисодий ўсишга эришиш қун тартибидаги асосий устуворлик аҳамиятига эга бўлиб қолади.

2. Адабиётлар таҳлили

Фикримизча, аҳоли турмуш фаровонлигини белгилаш аҳоли даромадларига асосланган ёндашув билан шакланиши монетар омилларнинг кенгайишига имконият берди. Шунингдек, номонетар омиллар эса, турмуш фаровонлигини таъминлашда даромадларнинг ўзи етарли эмаслигини намоён қилмоқда. Бу борада, инсонларнинг меҳнат қилишдан бўш вақтларининг ҳам инобатга олинишини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, аҳоли турмуш фаровонлигини аниқлаш, уни баҳолашда хусусий ва умумий омилларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жон Брум ўзининг тадқиқотларида аҳоли турмуш фаровонлиги иқтисодиётiga боғлиқ бўлган категорияларни тизимлаштириб беради [1]. Жумладан, ахолининг сон жиҳатидан кўпайиши фаровонликни таъминламаслиги, ушбу жараён табиий жараён эканлигини қайд этиб ўтади. Турмуш фаровонлиги назариясининг ўртacha утилитарианизм (ҳар қандай ҳолда ҳам индивиднинг фаровонлигини таъминлаш), релативистик утилитарианизм ва критик утилитарианизм каби шаклларини ўрганади. Унга кўра, критик утилитарианизм турмуш фаровонлигини таъминлашда асосий назария сифатида эканлигини таъкидлаб ўтади.

Оксфорд университети профессорлари Судхир Ананд ва Кристофер Харрис ўзларининг тадқиқотларида Шри-Ланка давлатида аҳоли турмуш фаровонлиги тенденцияларини ўрганади [2]. Унга кўра, оила киши бошига ўртacha даромад, оила киши бошига ўртacha харажат, оила киши бошига озиқ-овқат ўртacha харажатлари, оила ўртacha калория истеъмоли ва озиқ-овқат харажатларининг улуши каби кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда аҳоли турмуш фаровонлигини белгилаб

берувчи илмий хуросаларни шакллантириб беришади. Уларнинг фикрича, аҳоли даромадлари ўз харажатларини қопламаган ҳолларда қарз олиш тенденциялари кучайишида салбий тенденциялар кўрсатиб берилади, шунингдек аҳоли жамғариш имкониятлари кўп жихатдан макроиқтисодий барқарорликка боғлиқ эканлигини асослаб беришади.

Умуман олганда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнлари оммавий реклама қилинмаслиги сабабли у тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш механизмлари ҳам самарали ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Одатда қўплаб оиласлар давлатнинг ижтимоий дастурлари тўғрисида танишлар, қўшнилар ёки ваколатли орган ходимларидан норасмий маълумотларни олишга ва шунга риоя қилишга ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга зарурати бор оиласлар уни олиш учун ариза топширишга ҳам қийналишади. Бунинг асосий сабабларидан бири бундай вазиятта тушганларини ошкор қилмасликка интилишлари билан изоҳлаш мумкин.

Фикримизча, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда дастлаб ижтимоий соҳани ривожлантириш чоралари кўриш, унинг камчиликларини тўлдириш учун эса ижтимоий ҳимоя элементларини самарали жорий этиш мухим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий соҳанинг мураккабликлари жихатидан вужудга келадиган ижтимоий қийинчиликларни тизимлаштириш, унга мос равишда ижтимоий ҳимояни молиялаштиришда давлатнинг молиявий сиёсатини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Масалан, 1993 йилда Вашингтон университети профессори М.Р.Ранк ва Т.А.Хирши томонидан аҳоли ва ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёж ўртасидаги боғлиқликни таҳлил этишади [3]. Уларнинг фикрича, шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан жумладан мос равишда 61,4 ва 44,6 foiz, ижтимоий ҳимоя жастурларида кўпроқ иштирок этади, унга нисбатан ижобий ёндашув билан қарашади ва у тўғрисидаги маълумотларни ҳам кўпроқ тўплашади. Умуман олганда, имконияти чекланганлик, 12 йилдан кам таълим олишда иштирок этиш ва ишсизлик каби индивидуал характердаги омиллар таъсир кўрсатса. Бошқа жихатдан, оиласа ёлғиз ҳолдабошчилик қилиш, кўп фарзандли бўлиш каби жихатлар ижтимоий ҳимоя дастурига бўлган талабни оширишга хизмат қилиши асослаб берилади.

Тадқиқотлардан ҳам кўриниб турибдики, ижтимоий соҳа айниқса таълим ва соғлиқни сақлаш тизимишинг камчиликлар билан ишлаши ижтимоий ҳимоя дастурларини кенгайтиришга бўлган заруратни ввужудга келтирадар экан. Шу боисдан, ижтимоий ҳимоя дастурларини кенг қамровли бўлишида ҳудудий, демографияк классификация омилларини инобатта олиш мухим экан. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимишинг яхши ишламаслиги меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламишинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Бизнингча, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда ҳам ижтимоий соҳа, ҳам ижтимоий ҳимоя дастурларини тўлақонли ишлаши талаб этилади. Бунда ижтимоий фаровонликни белгилаб берувчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш ва унга нисбатан давлат бюджетидан маблағларни йўналтириш методларини такомиллаштириш мухим ҳисобланади.

3. Тадқиқот методологияси

Тадқиқотларимиз давомида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улушининг ўзгариб бориши тенденциясига таъсир этувчи омилларни ўрганишга ҳаракат қиласиз. Бунда биз 2000-2023 йиллар давомида Ўзбекистонда оила хўжаликларининг турмуш сифатига таъсир этиши мумкин бўлган омилларни танлаб олишга уринамиз. Булар қаторига 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни киритиш мумкин. Мазкур жадвални тузишда танлаб олинган кўрсаткичлар аҳоли турмуш фаровонлитини таъминлашда асосий омиллар гурухига киритилади, деб ўйлаймиз.

Биз 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни иккита гурухга ажратган ҳолда, яъни монетар ва номонетар категориялар асосида тизимлаштириб олганмиз. Бунинг асоси сифатида проф. Д.Рахмонов ва бошқалар томонидан амлага оширилган тадқиқотда камбағалликни баҳолаш нафақат молиявий кўрсаткичлар ёрдамида, балки жаҳонда молиявий хусусиятга эга бўлмаган кўрсаткичлар ёрдамида ҳам баҳоланиш тенденциясини асослаб беришади. Қисқача айтганда, монетар ва номонетар хусусият билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этишади [4].

Шу нуқтаи назардан, биз ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улушкига таъсир этувчи кўрсаткичларни монетар ва номонетар хусусият асосида шакллантиридик. Биз ҳар бир категорияга мансуб бўлган еттитадан кўрсаткичларни олишга ҳаракат қилдик. Танлаб олинган кўрсаткичларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли улуси шаклланшига таъсир этишини аниқлаш ва баҳолаш асосида илмий хуносаларни шакллантирамиз.

Умуман олганда, монетар омилларга – аҳоли даромадлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташқи савдо ҳажми, уни бандликни таъминлашдаги роли, аҳолининг қишлоқ хўжалиги фаолияти ва хорижий трансферлардан олинадиган даромадлари қамраб олинган. Номонетар омилларга – олий таълим битиравчилари, мактаблар сони, оиласда фарзандлар сони ва ичимлик суви билан таъминланганлик каби жиҳатларга эътибор қаратилган (1-жадвалга қаранг). Мазкур кўрсаткичлардан фойдаланган тарзда эконометрик моделларимизни шакллантирамиз. Бунда биз Stata 15 дастурий таъминотидан фойдаланамиз. Барча таҳдиллар мазкур дастурда амалга оширилади.

1- жадвал

Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли улушкига таъсир этувчи омиллар таркибининг гуруҳланиши

Мустақил ўзгарувчилар	Кўрсаткичларнинг номи	Ўлчов бирлиги
Монетар кўрсаткичлар		
X1	Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар	минг сўм/киши
X2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳажми (экспорт)	млн. АҚШ доллари
X3	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳажми	млн. АҚШ

	(экспорт)	доллари
X4	Бандликни таъминлашда кичик бизнеснинг улуши	фоизда
X5	Аҳолининг хорижий трансферлардан олинган даромади	млн. АҚШ доллари
X6	Деҳқончилик маҳсулотлари	млрд. сўм
X7	Чорвачилик маҳсулотлари	млрд. сўм
Номонетар кўрсаткичлар		
X8	Олий таълим битирувчилари сони	киши
X9	Умумтаълим мактаблари сони	дона
X10	16 ёшгача 1 нафар фарзанди бўлган оила улуши	фоиз
X11	16 ёшгача 2 нафар фарзанди бўлган оила улуши	фоиз
X12	16 ёшгача 3 нафар фарзанди бўлган оила улуши	фоиз
X13	16 ёшгача 4 ва ундан кўп фарзанди бўлган оила улуши	фоиз
X14	Камида асосий ичимлик суви хизматларидан фойдаланувчи уй хўжаликлари	фоиз

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-жадвал маълумотлари асосида бир нечта моделлар тузилади ва уларда кўрсатилган ўзгарувчилар коэффициентлари асосида ўзаро таъсир даражасини баҳолашга эътибор қаратилади. Бунда кўп омилли регрессия таҳлилини кичик квадратлар усули ёрдамида амалга ошириш билан ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улушига таъсир этувчи омиллар баҳоланади.

4. Таҳлил ва натижалар

Кўп омилли регрессия таҳлилини ўтказишда шакллантирилган эконометрик моделнинг математик ифодаси (1) формулада келтирилган бўлиб, у энг кичик квадратлар (Ordinary Least Squares) усулига асосланган чизиқли регрессия моделидир:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \dots + \beta_n X_n + \varepsilon, \quad (1)$$

бу ерда: Y - боғлиқ ўзгарувчи сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улуши, фоизда; β_0 - кесишиш нуқтаси (*intercept*); $\beta_1, \beta_2, \dots, \beta_n$ - регрессия коэффициентлари; X_i, X_n - мустақил ўзгарувчилар; ε - хатолик.

2- жадвал

Ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси

Ўзгарувчи	Кузатувлар сони	Ўртacha қиймат	Стандарт четланиш	Минимум	Максимум
Y	24	17.2214	6.949666	0	27.5
X1	24	4739.914	5348.487	77.19219	18201.21
X2	24	2374.546	1758.848	224.3	6112.7
X3	24	5877.875	5041.297	672.1	17315.7

X4	24	70.32917	9.002052	49.7	78.2
X5	24	4924.155	4279.687	0	17229.55
X6	24	52358.77	61418.34	696.8	202679.1
X7	24	48222.4	60205.33	690.4	201969.5
X8	24	47317	38926.15	0	103898
X9	24	9847.833	206.6582	9718	10522
X10	24	23.01067	1.748223	18.9	25
X11	24	26.05385	.5945425	25.1	27.6
X12	24	17.45347	1.609726	15.5	20.8
X13	24	8.6375	2.454067	6.3	15.9
X14	24	81.31859	10.25701	66.5047	97.79024

Биз танлаб олган кўрсаткичларнинг тасвирий статистикасини 2-жадвалда кўришимиз мумкин. Умумий 14та омиллар келтирилган бўлиб, 2000-2023 йиллар кесимида 24 та қузатувларни амалга оширишга имкон беради. Биз мазкур монетар ва номонетар омиллар ёрдамида қўп омилли регрессион таҳлил қилишда дастлаб улар ўртасидаги ўзаро жуфт корреляция даражасини аниқлаймиз. Бундан кўзланган мақсад бир моҳиятта эга бўлган омилларни моделни шакллантиришда инобатта олишга ёрдам беради (3 ва 4-жадвалларга қаранг).

3- жадвал

Монетар омиллар гурухи бўйича ўзгарувчилар ўртасидаги хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси

	Y	X1	X2	X3	X4	X5	X6	X7
Y	1.0000							
X1	-0.4840	1.0000						
X2	-0.5829	0.8869	1.0000					
X3	-0.5192	0.9603	0.9266	1.0000				
X4	-0.3782	0.4990	0.7131	0.5780	1.0000			
X5	-0.5208	0.9049	0.9271	0.9137	0.6642	1.0000		
X6	-0.4838	0.9976	0.8738	0.9630	0.4843	0.8961	1.0000	
X7	-0.4594	0.9954	0.8518	0.9552	0.4476	0.8727	0.9969	1.0000

З-жадвал маълумотларида монетар кўрсаткичларнинг боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляциясини қўриш мумкин. Бунда аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар бошқа ўзгарувчилар кучли боғлиқликка эга эканлигини ифодалаб бермоқда. Умуман олганда, аҳоли даромадларининг шаклланишида бошқа кўрсаткичларнинг роли муҳим эканлигини қўриш мумкин. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали ташқи савдонинг ривожланиши тўғридан-тўғри аҳоли даромадларини шакллантиришга таъкир

қилса, қишлоқ хүжалигидан даромад олиш ҳам (хусусан, дехқончилик ва чорвачилик) ахоли даромадларида сезиларли аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу боисдан, биз танлаган монетар кўрсаткичларнинг барчасини моделда инобатга олиш бирмунча мураккаблик касб эттиришини англаатади, деб ўйлаймиз.

4- жадвал

Номонетар омиллар гурухи бўйича ўзгарувчилар ўртасидаги хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси

	Y	X8	X9	X10	X11	X12	X13	X14
Y	1.0000							
X8	-0.5696	1.0000						
X9	-0.1690	0.5087	1.0000					
X10	-0.3104	0.6900	0.0278	1.0000				
X11	-0.2797	0.1464	0.2245	-0.0049	1.0000			
X12	0.4113	-0.7056	0.0056	-0.9449	-0.0470	1.0000		
X13	0.1826	-0.6618	-0.2715	-0.9110	-0.1454	0.8595	1.0000	
X14	-0.5403	0.8591	0.5745	0.6448	0.3193	-0.6789	-0.7067	1.0000

4-жадвал маълумотларида номонетар кўрсаткичларнинг ўзаро жуфт ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ахоли қатлами улуши билан корреляциясини кузатиш мумкин. Мазкур баҳолашдан кўринадики, номонетар кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцияси юқори бўлмаётганлиги кўзга ташланади. Бу эса, моделимизни шакллантиришда улар ўртасида мултиколлениарлик ҳодисасининг вужудга келиш эҳтимоллиги кам эканлигини акс эттиради, деб ўйлаймиз. Номонетар омиллар таркибида олий таълим битирувчилари сони ва ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси бошқаларига нисбатан сезиларли аҳамиятга эга эканлигини кузатиш мумкин.

Эконометрик модельни тузишдан олдин ўзгарувчиларнинг ўзаро мултиколлениарлик даражасини аниқлашга эътибор бериб ўтамиз. Ўзаро мултиколлениарлик юқори бўлган кўрсаткичлар уларни моделда бир пайтда қўллаш имкони паст эканлигини инобатга олиш заруратини ифодалаб беради.

Корреляция кўрсаткичларида ўзаро мултиколлениарликни текшириш учун Variance Inflation Factor (VIF) тестидан фойдаланамиз (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Ўзгарувчиларнинг мултиколлениарлиги тести

Кўрсаткич	VIF	1/VIF
X6	448.56	0.002229
X1	355.32	0.002814
X7	332.45	0.003008
X4	25.45	0.039290

X10	17.33	0.057694
X13	12.90	0.077531
X11	2.04	0.491154
Үртача VIF	170.58	

5-жадвалда X1, X6, X7 күрсаткичлари ўзаро мултиколениарлик даражаси юқори эканлигини күрсатыб турибди. Бу эса модельни тузишда ушбу күрсаткичлардан биттасини танлаш етарли эканлигини күрсатади. Мазкур жадвалда ностационар бўлган күрсаткичлар келтирилмаган.

6-жадвал

Dikey-Fuller testi натижалари текшириш мезонлари¹

Dickey-Fuller test for unit root				Кузатишлар сони
Күрсаткич	1% қиймат	5% қиймат	10% қиймат	
Z(t)	-3.750	-3.000	-2.630	24

Жуфт корреляцияда кузатилган юқори корреляция коэффициентлари мавжудлиги учун биз уларнинг стационарлиги юзасидан айрим таҳдилларни ўтказамиз. Бунда Dikey-Fuller тести² асосида күрсаткичларнинг коинтеграцион боғлиқлиги асосида моделда қўллашга нисбатан хуносаларни шакллантиришга ёрдам беради. Бунда Stata 15 дастурний таъминотида фойдаланган ҳолда Dickey-Fuller test for unit root асосида текширишларни амалга оширамиз.

Регрессия тенгламаси қолдиқларининг (\hat{e}_t) стационарлигини аниқловчи Dickey-Fuller test for unit root тести ёрдамида танлаб олинган 14та монетар ва номонетар ўзгарувчи күрсаткичларнинг стационарлигини текшириш учун хизмат қиласди. Биз мазкур тестни амалга оширишда ҳар бир ўзгарувчи юзасидан 6-жадвалда келтирилган тест натижаларини текшириш мезонларидан фойдаланамиз.

7-жадвал

Монетар ва номонетар ўзгарувчиларнинг Dikey-Fuller тести бўйича стационарлик ҳолати

Күрсаткич	Статистик тест	MacKinnon approximate p-value for Z(t)	Күрсаткич	Статистик тест	MacKinnon approximate p-value for Z(t)
X1*	11,132	1,0000	X8	-1.055	0.7325
X2	-0.390	0.9118	X9	2.958	1.0000
X3	0.675	0.9893	X10*	-2.790	0.0598
X4*	-4.742	0.0001	X11*	-2.794	0.0591
X5	-1.258	0.6479	X12	-1.996	0.2882

¹ Stata 16 дастури асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

²Dickey D.A. and Fuller W.A. (1981). Likelihood Ratio Statistics for Autoregressive Time Series with a Unit Root. *Econometrics*, 49, pp. 1057-72

X6*	9.241	1,0000	X13*	-5.885	0,0000
X7*	10,116	1,0000	X14	-0.586	0.8742

* - стационарлик мавжуд

Танлаб олинган кўрсаткичлар но-стационар эканлиги сабабли, уларни логарифмлаш орқали стационарликни йўқотишига ҳаракат киламиз. 7-жадвалда но-стационарлиги кўрсатилган ўзгарувчи (X2, X3, X5, X8, X9, X12 ва X14)ларни қайтадан шакллантирамиз. Қайтадан логарифмлаш орқали тузилган вақтли қаторлар ўртасидаги стационарликни қайтадан текшириб чиқамиз. Аҳолининг хорижий трансферлардан олинган даромади (X5) ва Камида асосий ичимлик суви хизматларидан фойдаланувчи уй хўжаликлари (X14) стационарлик касб этганлигини қайд этиш мумкин.

Олиб борилган статистик текшириш ва уларни баҳолаш асосида модел тузишга ҳаракат киламиз. Бунда кичик квадратлар усулидан фойдаланиб регрессия функциясини тузамиз.

8-жадвал

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами улушкига таъсир этувчи омиллар асосидаги модели


Ўзгарувчи	Model-1	Model-2	Model-3	Model-4	Model-4
X1	-.0004419*		-.0018721	-.0005298*	
LnX2	1.665822				
LnX3	-5.017899				
X4	-.8248228*		-.0748405	-1.469553*	-.7416513*
LnX5	.4791601		.2339811		-3.76976*
X6	-.0000629		-.0000188		
X7	.0001006*		.0001394*		
LnX8		5.42985			
LnX9		13.36674			
X10		-2.34679	-3.133157		
X11		-2.224671*	-2.794685		
LnX12		-34.86691*			
X13		-.1359408	-.0870684	-5.155729*	-.5159995
LnX14		-19.9404	1.822564		
_cons		132.4481	163.3995	167.6176	107.4002
N	19	15	19	24	19
Prob > F	0.0001	0.0704	0.0010	0.0004	0.0000
R-squared	0.8982	0.7658	0.9090	0.5847	0.8585
Adj R-squared	0.8335	0.5315	0.8180	0.5224	0.8302

* боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади, яъни 5 фоизлик эҳтимолликда p-value аҳамиятга эга

Манба: Тадқиқотчи томонидан тузилган

8-жадвал маълумотларида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улушкига таъсири туви монетар ва номонетар омиллар асосида баҳолашга қаратилган моделларнинг айримларини кўриш мумкин. Биз айрим ўзгарувчилар ўртасида мултиколлениарлик мавжуд бўлган ҳолда ҳам монетар ва номонетар учун алоҳида модел тузиб кўрдик. Унга кўра, монетар моделни ташкил туви ўзгарувчилар таркибида аҳоли жон бошига тўғри келувчи умумий реал даромадлар, кичик бизнесда банд бўлиш ва чорвачилик билан шуғулланиш ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган аҳоли қатлами улуси билан тескари муносабатда эканлигини кўриш мумкин.

Номонетар омиллар таҳлилида оиласда фарзандлар сони ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган аҳоли қатламини шакллантиришда асосий кўрсаткич бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда (8-жадвалга қаранг).



Тадқиқотлар асосида тузилган

1-расм. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улушкининг 4-модел асосида тақсимоти

Умуман олганда, эконометрик моделларни тузиш бир неча ўзгарувчиларни иштирок этиши ёки иштирок этмаслигига асосланган ҳолда амалга оширилди. Натижада, биз 4-моделда келтирилган кўрсаткичлар асосидаги моделни энг яхши модел сифатида танлаб олдик. Унга кўра:

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва 4 ва ундан ортиқ нафар фарзандга эга бўлган оиласарнинг улуси ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улушкини камайтиришда асосий ролга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

5. Хулоса

Фикримизча, күп фарзандли оилаларда меҳнатда банд бўлиш ва даромадга эга бўлиш тенг тақсимотга эга бўлмаётганлигини кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, 4 нафар ёки ундан күп фарзандга эга бўлган оилалар меҳнатда банд бўлса (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлиши назарда тутилмоқда) даромадлар тақсимоти нотекис бўлмоқда. Бу эса, күп фарзандли оилаларга ижтимоий ҳимоя асосида давлат бюджетидан ёрдам бериш заруратини яна бир марта ўзида ифодалаб беради, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами улуши шаклланишида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, кичик бизнесда банд бўлиш ва оиласда фарзандлар сони каби категориялар сезиларли таъсирга эга бўлмоқда. Тадқиқотлар асосида қайд этиш лозим, мазкур кўрсаткичларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами улуши билан тескари пропорционал эканлиги мазкур кўрсаткичларнинг аҳамияти юқорилигини ифодалайди.

Шу боисдан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами улуши камайтиришда аҳоли даромадларини ошириш ва меҳнатда банд бўлишига эришиш, шунингдек ижтимоий ҳимоя параметрларини белгилашда оила аъзолари сонини инобатга олиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. John Broome, The welfare economics of population, Oxford Economic Papers, Volume 48, Issue 2, April 1996, Pages 177–193, <https://doi.org/10.1093/oxfordjournals.oep.a028564>
2. Anand, S., & Harris, C. J. (1994). Choosing a Welfare Indicator. The American Economic Review, 84(2), 226–231. <http://www.jstor.org/stable/2117834>
3. Rank, M. R., & Hirschl, T. A. (1993). The Link Between Population Density and Welfare Participation. Demography, 30(4), 607. doi:10.2307/2061809
4. Usmanova, A., Aziz, A., Rakhmonov, D., & Osamy, W. (2022). Utilities of artificial intelligence in poverty prediction: a review. Sustainability, 14(21), 14238.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
6. Dickey D.A. and Fuller W.A. (1981). Likelihood Ratio Statistics for Autoregressive Time Series with a Unit Root. Econometrics, 49, pp. 1057-72

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

